

## ОИЛАВИЙ МУТОЛААНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**Хакимова Муборак Якубжановна**

Кутубхонашунослик кафедраси мудири, Ўзбекистон давлат санъат ва  
маданият институти, Тошкент шаҳар М.Улугбек тумани, Ялангоч даҳаси 127-  
а уй. Тел: 977534079, [hakimova.1979@bk.ru](mailto:hakimova.1979@bk.ru)

**Аннотация:** Илмий мақолада китобнинг инсон хаёти, кишилил жамияти,  
маънавий тараккиётидаги бекиёс ўрни, болалар китобхонлигини ташкил  
килишида мактаб ҳамда ота-оналар зиммасидаги мураккаб ва масъулиятли  
вазифалар, ота-оналарнинг ўзида ҳам юксак дид, китобга меҳр, мутолаага  
қизиқиши зарур бўлиши ёритилган.

**Калим сўзлари:** китоб, мактаб, ота-она, ўқувчи, ўсмир, мутолаа, дунёкараи,  
миллий қадрият, тарбия, илм-фан, ижод, яратувчилик, маънавият.

**Аннотация:** В научной статье описывается ни с чем не сравнимая роль книги в  
жизни человека, общества личности, духовном развитии, сложные и  
ответственные задачи школы и родителей по организации детского чтения, а  
также необходимость высокого вкуса, любви к книгам и интереса. в чтении.

**Ключевые слова:** книга, школа, родитель, ученик, подросток, чтение,  
мировоззрение, национальный талант, образование, наука, творчество,  
творчество, духовность.

**Annotation:** The scientific article talks about the incomparable role of books in human  
life, personal society, spiritual development, complex and responsible tasks of schools  
and parents in organizing children's reading, high taste, love of books, interest in  
reading. for the parents themselves.

**Key Words:** book, school, parent, student, teenager, reading, worldview, national  
values, education, science, creativity, creativity, spirituality.

Мамлакатимизнинг келажаги бўлган ёш авлодни ҳар томонлама камолотга  
эришган шахслар сифатида тарбиялаш, уларни илк ёшлик давридан илм-фан,  
ижод, яратувчилик ва маънавиятга йўналтира билиш тарбиянинг долзарб  
вазифаларидан ҳисобланади.

Юртимизда китобхонлик маданиятини янада юксалтириш, ёш  
авлодни мутолаага ундаш каби вазифалар олиб борилаётган ислоҳотларнинг  
устувор йўналишларидан бирига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини  
чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва –  
китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия  
тузиш тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинган зарурӣ хужжат бўлди, унда  
белгиланган вазифаларнинг бандма-банд бажарилиши жамиятимиз маънавий-  
маърифий ҳаётида туб бурилиш ясади дейишимизга тўла асос бўлди.

Ёшларимиз халқимизни халқ, миллатимизни миллат қилиб турган юксак  
маънавий сифатларни изчил давом эттириб, бу ноёбликларни янада  
бойитишлари, ривожлантиришлари ва дунёга кўрсата олишлари лозим.

Оилада таълим-тарбия жараёни қанчалик эрта ва мақсадга мувофиқ тарзда  
йўлга қўйилса, унинг ижобий самараси ҳам шунчалик юқори бўлиши дунё  
тажрибасида ҳам, миллий қадрияларимизда ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Янги  
Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” асарида “Мени доимо ўйлантирадиган,  
ташвишга соладиган яна бир долзарб масала бу – ёшларимизнинг одоб-ахлоқи,

юриш-туриши, маданий савия, бир сўз билан айтганда, тарбияси билан боғлиқ. Биз бу йўналишда катта ишларни амалга оширамиз. Аммо уларнинг самарадорлигини янада кучайтириш учун бир қатор масалаларга жиддий эътибор беришимиз лозим. Хусусан ёшлар ўртасида китобхонликни, мутолаа маданиятини ривожлантириш доимо эътиборимиз марказида бўлиши лозим".[1.Б.252]

**Китоб ва китобхонлик ҳақидаги ҳалқ анъанавий пандномаси билан улуғларнинг дунёқараши, мулоҳазалари бир-бирига жуда яқин, бири иккинчисини тўлдиради. Бу ҳол китобнинг катта маънавий кучга эгалиги, китобхонлик инсон учун юксак мезон экани билан изоҳланади.**

**Китобхонлик тор маънода китоб ўқиши билдириса, кенг маънода танлаб ўқиши, ҳис этиши, англаши ва фикр билдириши тушунчаларини ўз ичига қамраб олади. У бадиий адабиёт, адабий танқид ва педагогика кўмагида юксала боради.**

**Китобхонлик кеча ёки бугун тугилган эмас. Хусусан, Махмуд Кошгариининг "Девону лугатит турк", Абу Абдулло ал-Хоразмийнинг "Мафатих ал-улум", Юсуф Хос Ҳожибининг "Қутадгу билиг", Носируддин Бурҳонуддин Рабгузийнинг "Қисаси Рабгузий", Ҳондамирнинг "Макорим ул-ахлоқ" ва Алишер Навоий, Захириддин Бобурларнинг қатор асарларида китобхонликка оид қимматли фикрлар баён қилинган. Жумладан, "Қисаси Рабгузий" муқаддимасида муаллиф шундай ёзади: "... пайгамбарлар қиссаларига гоят рагбатим бор. Текма ерда, текма ким эрса-да, бўлинур баъзиси мустақим бор, баъзиси номустақим. Бир ангаси муқаррар ва бир ангаси мубаттар бор. Бир озининг сўzlари кесук бор, бир озининг мақсадлари ўксук. Эмди санинг зиммангдин чиқсан, қаламунгдан оқсан, китобатма санинг, иборатма санинг бўлуб, "Қисас ул-анбиё" бўлса, ўкумоқга кераклик, ўрганмоқга яроглиг бўлгай эрди, теб илтимос янглиг ишорат бўлди эрса нечама ўзумни ул ишга лойиқ, ул амалга мувофиқ эрмасин теб, бу оғир ишга ўградимиз (киришдик, қўл урдик)".**

**Юқорида айтилганлардан шундай хуносага келиши мумкинки, китобхонлик адабиётишунослик ва таълим-тарбиянинг муштарак ва муҳим соҳаси сифатида, шубҳасиз, чуқур изланишларни тақозо этади. Унинг ривожини адабиётнинг тараққиёти билан бөглаб ўрганиши мақсадга мувофиқдир. [5.Б.160].**

**Кишининг маданияти унинг китобида акс этади. Шу маънода бугунги кунда китоб ўқиши ва унга муносабат бир қадар сусайгандек. Чунки ёшлар кўпроқ кино, видео, телевидение, компьютерга берилиб кетди. Компьютер, планшетлар ҳозирги кунда кўпгина хонадонларга тўлиқ кириб келган. Исталган янгилигу ахборотларни бу воситалардан хоҳлаганча олиши мумкин. Ачинарлиси, бугун китоб ўқиши учун вақт сарфлашга ҳожсат йўқдек. Аслида, ҳеч бир ахборот воситаси, кино ёки видеофильм бадиий асар ўрнини босолмайди. Масалан, "Ўтган кунлар" романи асосида ишланган фильм қанчалик маҳорат билан суратга олинган бўлмасин, китобнинг таъсирини, жозибасини беролмайди.**

**Китобхонлик оиласидаги муҳитга ҳам бөглиқ. Маърифатли оиласарда китобга эътибор фарзандлар тарбиясида қўл келади.**

**Китобни инсон тафаккурининг қанотларига ўхшатишган. Зоро,**

*тафаккури, фикр доираси кенг, маърифатли кишилар жамиятнинг чинакам бойлигиидир. Аксинча, ҳаётда рўй бериб турадиган айрим нохушликлар илдизи эса маърифатсизлик, китоб ўқимасликнинг аччиқ меваси. Темирни занг кемирганидек, одамни ҳам маънавиятсизлик мўрт қилади. Маънавият эса инсонга китоб ўқии орқали юқади.*

*Хар қандай янгилик ҳам бир қун эскиради. Бироқ инсониятнинг мингминг йиллар давомида кўлга киритган ақлий ҳамда фикрий дурданаларини ўзида жамлаган китоблар асло эскирмайди.*

*Бинобарин, китоб-ҳамиша илм-маърифат, адаб ва ахлоқ манбаи бўлиб келган. Бугунги қунда ёш авлодни миллий қадрияtlар руҳида тарбиялашида ҳам китобдан кўра қудратлироқ восита йўқ.*

Бугунги юксак технологиялар асрида телевизорлар, интернет йўйинлари, уяли телефонлар болалар ҳаётидан кенг ўрин эгаллаб бораётган бир даврда уларнинг маънавий озиқланиши, маълумот олиши, бўш вақтини мазмунли ташкил этишида китоб мутоласининг аҳамиятини англаб этиш ўта долзарб масаладир.

Китоб мутолааси инсонга билим берибина қолмай, уни инсониятнинг яшаш тажрибаси билан ҳам қуроллантиради. Зиёли оиласарда китобга муҳаббат, уни ўқишдан ташқари асраб-авайлаш қадимий анъана сифатида авлоддан авлодга ўтиб келган. Инсонни маънавий камолот йўлига олиб чиқсан восита – бу китобдир.

Ҳамид Олимжоннинг буюк шоир бўлиб этишишида, Худойберди Тўхтабоевнинг атоқли ёзувчи бўлиб этишишида уларнинг ўзлари эътироф этганларидек, бувилар айтган эртаклар турткি бўлган. Ойбекнинг “Болалик” романида ёзилганидек, унинг ҳаётида ҳам китоб улкан рол ўйнаган.

Шунинг учун ҳам оиласада болаларга кўп китоб ўқиш кераклигини таъкидлаш билан чекланиб қолмасдан уларнинг ёшига мос китобларни топа билиш, энг яхши китобларни мутолаа қилиш имкониятини яратиш зарур. Бунинг учун ота-онанинг ўзларида мутолаа маданияти шаклланган бўлиши керак.

Улар фарзандларининг мутолаа даражасини ўрганиш орқали қандай китобларни ўқиётганлигини назорат қилиб боришлари, биргаликда таҳлил қилишлари, мутолаа қилишда энг фойдали ва тўғри йўлни топишга ёрдам боришлари лозим. Ота-оналар фарзандларига ўзининг ёши ва қизиқишига мос китобларни топишига ва танлашига ёрдам боришлари зарур. Чунки болалар китоб ўқиганларида маъносини тушунишлари, ҳис этиш, ўқиган нарсаларга ўзининг шахсий муносабатини билдира олиш кўникмасига эга бўла бориши даркор.

Бунинг учун ота-оналар болаларнинг мутолаа билан машғул бўлишларига шароит яратиш билангина чекланиб қолмасдан ўзларининг ҳам китоб ўқишга қизиқишлигини намойиш қилишлари, болалар муайян китобни ўқиб чиқсанларидан сўнг уларнинг китобдан олган таассуротлари ҳақида фикр алмашишлари, ўз фикрини мустақил ифода қила билиши учун йўналиш бориши, китоб мазмуни бўйича энг қизиқарли жойларини айтиб бориши, давомини ўзи мустақил ўқиб, билиб олишига турткি бориши, охиригача ўқиб чиқсанлигини назорат қилиб бориши керак.

Лекин, афсуски бугунги қунда кўпчилик ота-оналарнинг ўзлари китоб мутолааси билан шуғулланмайдилар, асосий вақтларини телевизор кўриш ёки

интернетдан фойдаланишга сарфлайдилар. Агар масалага катталар, ота-оналар намунаси нуқтаи-назаридан ёндашиладиган бўлса, табиийки бундай оиласларда болалар китоб мутолаасига қизиқмайдилар. Шунинг учун ҳам ота-оналар ўзларининг телевизор кўриш ва интернетдан фойдаланишга сарфлайдиган вақтларини муайян даражада камайтириши, китоб мутолааси билан шуғулланишни мунтазам машғулотга айлантиришлари ва фарзандларининг мутолааси учун мутахассислар таъкидлаганлариdek ҳар куни 40-60 дақиқа вақт ажратишлари керак бўлади. Албатта, ҳамма ота-она фарзандларида китоб мутолааси кўникмасини шакллантириш учун муайян билим ва тажрибага эга эмаслар. Бундай ҳолатларда ўқитувчилар ва кутубхоначилар билан маслаҳатлашиш ҳамда ҳамкорликда фаолият юритиш тавсия қилинади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича китобхонлик руҳи болаларда китобни такрор ва такрор ўқишидан, ундаги сўзларни ёд бўлиб кетганича қайтариш ва такрорлашдан бошланади. Оилада ёш боланинг отасига ёки онасига "Эртак айтиб беринг" ёки "Китоб ўқиб беринг" – деган илтимоси ҳеч қачон инкор этилмаслиги керак. [5.Б.221].

Турли баҳоналар кўрсатиб, инкор этиш боланинг кўнглида уйғониб келаётган ҳавас, интилишни илдиши билан қўпориб ташлаш демакдир. Ота-она бирон-бир сўзнинг маъносини ахтариб луғатни, бирон-бир мамлакатга оид фактни ахтариб энциклопедияни варақлайдиган бўлса иложи борича уни боланинг кўз олдида қилиши, боланинг шуурида билмаган ёки унутилган нарсани фақат китоб орқали топиш мумкин деган тушунчани уйғотиши зарур. Шундай наъмунавий фаолият кўрсатиш ҳамда китобга нисбатан тушунча ҳосил қилиш кутубхонада ҳам амалга оширилиши зарур. Бу ҳолат кутубхоначи ва ота-она ҳамкорлигини мустаҳкамловчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Болалар албатта компьютер ўйинлари билан машғул бўладилар, замонавий мультиликацион фильмларни кўрадилар. Албатта, уларни тақиқлаб бўлмайди, ҳамма гап уларнинг мазмунида бўлиб, ижобий билимлар, маълумотлар бериш ёки уларни маҳлиё қилиб, тажовузкорлик уруғини сепишиши мақсад қилиб қўйганлиги билан боғлиқдир. Бундай ҳолатларда мультиликацион фильмлардаги воқеалардан ҳам қизиқроқ воқеалар китобларда баён этилганлигини кўрсата билиш, маълум китобнинг керакли жойини топиб ўқиб бериш, барибир китоб қизиқарлироқ эканлиги, асосий ибрат китобда эканлигини асослаб беришдан эринмаслик керак. Бунинг натижаси болада керакли маълумотларни фақат китобдан излаш хусусиятларининг ўсганлигига кўринади.

Ота-оналар боланинг эътиборини китобга жалб қилишда боланинг узоқ вақт давомида диққатини бир жойда сақлаб тура олмаслигини ҳисобга олишлари зарур. Биз юқорида таъкидлаб ўтган 40-60 дақиқа энг максимал вақт бўлиб, муайян босқичларни ўз ичига олади. Чунки, тавсия этилган китоб қанчалик қизиқ бўлмасин дастлаб 5-10 дақиқа, сўнгра 15-20 дақиқадан кейин боланинг диққати китобда бўлаётган воқеаларга нисбатан сўна бошлаганини сезиш мумкин. Шунинг учун, боланинг қизиқишига кўра вақт микдори аста-секин ошириб борилади. Бундан ташқари, болалар 4-5 ёшларда фаол ўйинларга қизиқиб кетишлари мумкин. Шундай пайтда боланинг китоб ўқишидаги режалилик, мунтазамлилик, тартибининг бузилмаслиги алоҳида назоратда бўлиши зарур.

"Куш уясида кўрганини қилади" – деганлариdek болада китобга меҳр

уйғотиш учун энг аввало ота-она доимий мутолаа қилса, хонадонда китобга нисбатан алоҳида муносабат мавжуд бўлса, болалар китоб ўқишига рағбатлантирилса, мутолаа маданияти учун муҳит ва шарт-шароит яратилган бўлса, бундай руҳ болаларга ҳам албатта сингади.

Инсон хаёти атроф-оламдаги нарсаларни тушуниш, хаётда ўзини англашга булган эҳтиёж, миллий ғурур, яшаш учун курашишдан иборатdir. Шахс маънавий камолоти жамият тараққиёти даражасини белгилар экан, барча замонларда ҳам ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялашга катта эътибор берилиган. Ёш авлодни маънавий шакллантиришда китобхонликнинг ўрни ўзига хос.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Мирзиёев М.Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Учинчи нашри.- Тошкент: "Ўзбекистон" нашриёти, 2022.-440 бет.
2. «Kitob va kitob mahsulotlarini chop etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutoolasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ‘ibot buyicha Komissiya tuzish to‘g‘risida» O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoyishi 2017 yil 12 yanvar. // Xalq so‘zi.- 2017 yil 13 yanvar.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ёшларни маънавий – аҳлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим – тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора – тадбирлари тўғрисида. – “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил, 14 август.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 9 июнь, ПҚ-4354-сонли Қарори. – “Халқ сўзи” газетаси, 2019 йил, 11 июнь.
5. Ў.Носиров “Кутубхона – ахборот хизмати: назарияси ва амалиёти” / Дарслик.- Тошкент: МЧЖ "Фан ва таълим полиграф", 2023 й. – 460 бет.
6. Yo‘ldoshev E. Kutubxonada bolalar mutolaasiga rahbarlik qilish: O‘quv qo‘llanma /O‘rta maxsus kasb-hunar ta’limi markazi; Muharrir S. Mirzaahmedova.-Toshkent: O‘zbekiston, 2002.-127 b.
7. Фазлиев, Ж. Ш. (2023, October). ТОМЧИЛАТИБ СУФОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ОРҚАЛИ СУФОРИЛГАН ОЛМА БОГЛАРИНИНГ ТУПРОҚ АГРОКИМЁВИЙ КЎРСАТГИЧЛАРИ. In Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities (Vol. 2, No. 11, pp. 19-23).
8. Фазлиев, Ж. Ш. (2019). EFFICIENCY OF USE OF CLAY WATER WITH DROP IRRIGATION. ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ, (4).
9. Xudayev, I. J., & Tojiyev, S. M. (2023). NAMLATGICH-BLOKLARDAN HOSIL QILINGAN EKRANLI EGATLARDAN G ‘O ‘ZANI SUG ‘ORISH TEKNOLOGIYASI. In Uz-Conferences (Vol. 1, No. 1, pp. 514-519).
10. Худайев, И., & Фазлиев, Ж. ТЕХНОЛОГИЯ КАПЕЛЬНОГО ОРОШЕНИЯ САДОВ И ВИНОГРАДНИКОВ. JURNALI, 176
11. Fazliyev, J. (2017). Drip irrigation technology in gardens. Интернаука. Science Journal, 7(11).
12. Fazliyev, J. (2018). Modern irrigation methods for gardens. Science, 22, 24-26.
13. Фазлиев, Ж. Ш., & Баратов, С. С. (2014). ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ГЛИНИСТОЙ ВОДЫ ПРИ КАПЕЛЬНОМ ОРОШЕНИИ. The Way of Science, (4), 77.

14. Fazliyev, J. EFFICIENCY OF APPLYING THE WATER-SAVING IRRIGATION TECHNOLOGIES IN IRRIGATED FARMING «ИНТЕРНАУКА» Science Journal № 21 (103) June 2019 г.
15. Khudaev, I., & Fazliev, J. (2022). Water-saving irrigation technology in the foothill areas in the south of the Republic of Uzbekistan. Современные инновации, системы и технологии, 2(2), 0301-0309
16. Фазлиев, Ж. Ш. (2017). Боғларда томчилатиб суғориш технологияси. Интернаука, (7-3), 71-73.
17. Худайев , И., & Тожиев , Ш. (2023). БОФ ВА УЗУМЗОРЛАРДА ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ. Talqin Va Tadqiqotlar, 1(1). извлечено от <https://talqinvatadqiqotlar.uz/index.php/tvt/article/view/220>
18. Фазлиев Жамолиддин, Тожиев Шерзод, & Холиқов Шарифбек. (2024). СПОСОБЫ ЭКОНОМИИ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ В САДАХ. Uz-Conferences, 1(1), 520–525. Retrieved from <https://uz-conference.com/index.php/p/article/view/110>
19. J.Sh.Fazliev., Sh.M.Tojiev., Sh.D.Khalikov. (2024). EFFICIENCY OF USE OF CLAY WATER WITH DROP IRRIGATION. Uz-Conferences, 1(1), 504–509. Retrieved from <https://uz-conference.com/index.php/p/article/view/107>
20. I.J.Xudayev, I.J.Xudayev, & Sh.M.Tojiyev. (2024). NAMLATGICH-BLOKLARDAN HOSIL QILINGAN EKRANLI EGATLARDAN G‘O‘ZANI SUG‘ORISH TEKNOLOGIYASI. Uz-Conferences, 1(1), 514–519. Retrieved from <https://uz-conference.com/index.php/p/article/view/109>

